



Хабарлар

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2003 yil, 21 fevral № 8 (545)

Sotuvda narxi erkin

ЛОЙИХА СИФАТИ МУХИМ МАСАЛА

Мамлакатимизда телекоммуникация тармоғи жадаллик билан ривожлангани сари хизмат кўрсатиш сифати ва миқдори ошиб, янги технологиялар жорий қилинмоқда. Тармоқни қайта қуриш ва ривожлантириш масаласи Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда унга қаршли ташкилотларнинг доимий назоратида турибди. Телекоммуникация иншоотлари ва объектларининг капитал қурилиши жараёнида асосий, ҳал қилувчи масала лойиҳавий-смета ҳужжатларини тайёрлашдир. Бунинг учун лойиҳавий-тадқиқот ишлари босқичини сифатли бажариш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг капитал қурилиш тўғрисидаги қонунчилиги, қатор дастурий ва меъёрий ҳужжатлари қурилиш монтаж ишларини бошлашдан аввал лойиҳавий-смета ҳужжатларини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлашни талаб қилади. Лойиҳавий-смета ҳужжатлари моҳияти жиҳатидан техник, технологик ва молиявий ҳужжатларга бўлинади. Иншоот қурилишида сифатли тайёрланган лойиҳавий-смета ҳужжатларининг аҳамияти каттадир.

Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация соҳасида лойиҳавий-тадқиқот ишларини бажариш ҳуқуқи Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан телекоммуникация соҳаси йўналиши бўйича белгиланган тартибда лицензия бериш асосида амалга оширилади. Айни вақтда лицензияга эга ташкилотлар сони анчагина. Улар телекоммуникация тармоғи ва мамлакатимиз иқтисодиётининг бошқа соҳалари эҳтиёжи учун лойиҳавий-смета ҳужжатлари тайёрлаш билан шуғулланади.

Телекоммуникация соҳасидаги асосий лойиҳалаш таш-

килоти "Алоқинвест" АЖ таркибидagi Ўзбекистон алоқа лойиҳалаш институти (ЎзАЛИ) ҳисобланади. Унинг зиммасига телекоммуникация иншоотлари қурилиши учун лойиҳавий-тадқиқот ишларини бажариш, тадқиқотлар олиб бориш, тармоқ эҳтиёжи учун фуқаролар иншоотларини лойиҳалаш, лойиҳавий-смета ҳужжатлари ва муҳандислик тадқиқотлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат қўмитаси юритаётган ягона техникавий сиёсатни рўйга чиқариш, "Ўзбектелеком" АЖ ҳудудий бошқармалари тармоқ лойиҳаси бўлимига лойиҳавий-смета ҳужжатлари ва муҳандислик тадқиқотлари масалалари бўйича маслаҳатлар бериш каби вазифалар юкланган.

ЎзАЛИ жамоаси телекоммуникация тармоғининг турли йўналишлари бўйлаб лойиҳавий-смета ҳужжатларини тайёрлашда фаол қатнашиб келади. Айнан Япония кредити асосидаги "JBIC"нинг биринчи ва иккинчи босқичи бўйича республика телекоммуникация тармоғини ривожлантириш лойиҳаси, "Ўздунробита", "COSCOM", "ДЭУ" ва бошқа уяли алоқа операторлари тар-

моғини ривожлантириш дастури, Ўзбекистон Республикаси телерадиоалоқаси тармоғини замонавийлаштириш ва ривожлантириш бўйича лойиҳалар шулар жумласидандир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз телекоммуникация тармоғи ривожланиши учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимига кирмайдиган ва турли йўналишлар бўйича лойиҳалаш ишларини бажариш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга корхона ва ташкилотлар ҳам. Уларнинг муносиб ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилмоқда. Лекин уларнинг барчаси ҳам талаб даражасидаги лойиҳаларни тайёрлай олмаслигини бу борада олиб борилган текширув ишлари кўрсатди. Мазкур лойиҳалаш ташкилотларининг етарлича тажрибага эга эмаслиги, лойиҳалаш ишларини юритишда меъёрий ҳужжатлар ва ахборот базасининг йўқлиги ва бошқа бир қатор муаммолар бунга мисол бўла олади.

Айни вақтда лойиҳалаш тизимида ЎзАЛИнинг ташкилотчилик ва назорат қилиш борасидаги роли ортиб бормоқда. Мазкур институт мулк кўриниши ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар сифатли лойиҳавий-смета ҳужжатлари тайёрлаш борасидаги ҳар бир ташкилотга услубий ва маслаҳат ёрдами кўрсатишга тайёр. Барча лойиҳалаш ташкилотлари институт тажрибаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга ва бунинг учун имкониятлар яратилган.

С.АБДУЛЛАЕВ,
"Алоқинвест" АЖ таркибидagi ЎзАЛИ бошлиғи

"Ўзбектелеком" АЖ "Тошкент телеграф-телефон станцияси" филиалига қарашли янги қурилган халқаро сўзлашув шахобчаси ва Интернет марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Уни "Тошкент телеграф-телефон станцияси" филиали директори Р.Сулаймонов кириш сўзи билан очди.

Йиғилишда "Ўзбектелеком" АЖ бош директори Х.Муҳитдинов сўзга чиқиб, халқаро сўзлашув шахобча-

ёки керакли ахборотларни чиқариш асосида факс орқали қабул қилиб олиши мумкин. Корхона ва ташкилотлар би-

ЯНГИ СЎЗЛАШУВ ШАХОБЧАСИ



си ҳар томонлама замонавийлиги билан ажралиб туришини таъкидлади ҳамда ҳарорат намлигини бир хилда сақлаш, хавфсизлик қоидалари, нархнома масалалари тўғрисида йиғилган-

лан келишилган ҳолда керакли ҳужжатларни қабул қилиш ва юбориш ҳам йўлга қўйилган.

ВА Иккинчи иншоот — Интернет марказининг қурилишида "Intal Telekom" корхонасининг хизмати катта бўлди. Марказ-

ИНТЕРНЕТ МАРКАЗИ



ларга сўзлаб берди. Мижозларга сифатли хизмат кўрсатилишига ишонч билдирди. Эндиликда мазкур шахобча пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари учун оператор ёрдамида халқаро ва шаҳарлараро алоқа хизматини кўрсатади. Шунингдек, бу ерда мижоз хоҳлаган манзилга факс жўнатиши

да олтига янги РМ ПЭВМ ўрнатилган бўлиб, яқин орада уларнинг сони 14 тага етказилади. Тажрибали мутахассислар Интернет хизматидан фойдаланувчилар учун керакли ахборотни топиш ва буюртмага биноан зарур маълумотларни тайёрлашда яқиндан ёрдам беради.

Ўз мухбиримиз

OLAMDA NIMA GAP?

•Yangiliklar •Voqealar •Xabarlar

19 феврал куни мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейини бориб кўрди. АҚШнинг Ўзбекистондаги Фақуллода ва мухтор элчиси Жон Хёрбет Американинг Халқаро ривожлантириш агентлиги (ЮСАИД) томонидан молиялаштирилган Езёвон туманидаги "Оқ олтин" сув истеъмолчилар уюшмасида олиб борилаётган ишлар жараёни билан танишиш учун Фаргона вилоятига бўлди. Элчи жаноблари Наманган шаҳридаги "Мустақилликнинг 5 йиллиги" маҳалла фуқаролар йиғинига ҳам ташриф буюрди. У АҚШ ҳукумати молиялаштирилган яна бир режа — аҳолига табиий газ етказиб бериш бўйича лойиҳанинг очилиш маросимида иштирок этди.

Республика Миллий матбуот марказида "Хусусий секторни ривожлантириш — устувор йўналиш" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Анжуман Президентимизнинг 2003 йил, 24 январда "Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуғи ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳокама-сига бағишланди.

Хатирич туманидаги 11, 14-мактабларга Япония давлатининг тазлим грантлари ажратилди. Билдим даргоҳларининг ҳар бири 42 минг АҚШ долларига тенг ўқув дастур-гоҳлари, компютерлар ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган бўлди.

Associated Press агентлиги хабар беришича, Америка конгрессменлари кутилмаганда содир этилиши мумкин бўлган террорчилар

ҳужумига қарши тайёргарлик кўришга кўрсатма олдилар. Махсус хизмат вакиллари ҳар эҳтимолга қарши дорн-дармон, озиқ-овқат захираларини тайёрлаб, керакли ҳужжатларни йиғиб қўйишларини конгрессменларга уқтирдилар.

Жанубий Кореянинг Тегу шаҳри метро станциясида ёнгин содир этилиши оқибатида юздан ортиқ одам оламдан кўз юмди, яна юздан ортиги эса дом-дараксиз, 138 нафари шифохоналарга ётқизилган, дейилди "Сеул ахборот-номаси" сайтида.

АҚШнинг ҳарбий қисми ва Атлантиканинг марказий қирғоқларида кучли қор ёғини оқибатида ҳаёт мураккаблашиб бормоқда. Associated Press агентлиги берган хабарга кўра, 7 йилдан бери булай воқеа содир бўлмаган.

Мэриленд, Делавор, Нью-Жерси, Кентукки штатларида ва шунингдек, Фарбий Виржинияда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Ноқулай об-ҳаво 20 кишининг умрига зомин бўлди.

"UzPAK" маълумотлар узатиш давлат тармоғи корхонаси 1994 йили Ўзбекистон Республикаси алоқа вазирлиги томонидан ташкил қилинган эди. 1997 йилга келиб корхона олдиға маълумотлар узатиш давлат тармоғини ташкил қилиш ва ривожлантириш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил, 9 февралдаги 52-сонли қарори билан ташкилот маълумотлар узатиш бўйича Миллий тармоқ операторига айлантирилди.

Маълумотлар узатиш Миллий тармоғи айни вақтда Ўзбекистондаги энг йирик тармоқ ҳисобланади. Унинг 18 та маълумотлар узатиш коммутиацион тугунлари республикамизнинг Тошкент, Нукус ва барча вилоят марказлари бўйлаб тарқал-



бошқалар) ўртасида 40 га яқин видеоконференция ва масофавий таълим тадбирлари ташкил қилинди.

Маълумотлар узатиш Миллий тармоғини ривожлантириш мақса-

Инк" ва Канаданинг "Nortel Networks" фирмалари қўлга киритишди. Лойиҳа баҳоси 5,8 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Молиявий Американинг "Эксимбанк" ва Bank of New York



— ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

ган. Тармоқ мамлакатимизда халқро ахборот манбалариға бoғловчи энг кучли каналға эға. Хизмат кўрсатиш сифати бўйича ҳам "UzPAK" мамлакатда етакчи ҳисобланади. Бу — маълумотлар узатиш ва Интернетнинг замонавий хизматини кўрсатиш, электрон почта, видеоконференция, виртуал боғланиш ва бошқалардир. Замонавий Интернет-технологиялар

дида 1999 йили Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган "1999-2003 йилларға мўлжалланган маълумот узатиш Миллий тармоғини ривожлантириш ва замонавийлаштириш дастури" тайёрланганди. 1999-2002 йиллар оралиғида "UzPAK" маълумот узатиш тармоғи абонентлари сони 37 баробарға ортди. Тармоқда мавжуд ахборот ҳажми 60 баробарға кўпайди. Тармоқни кенгайтириш мақсадида 2002

банки кредити томонидан амалға оширилади. Мазкур лойиҳанинг рўйбга чиқиши кўрсатилаётган хизмат тури ва сифатининг яхшиланиши ҳамда бошқа кўпгаб қўлайликлар яратилишиға омил бўлади.

Лойиҳани бажариш ва молиявий таъминотини кафолатлаш бўйича ҳукуматимиз томонидан қарор қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги давлат инвестиция дастуриға киритилди. Айни вақтда лойиҳани молиялаштириш жараёни кечмоқда.

Мамлакатда компютерлаштириш ва ахборотлаштириш ривожлантириш учун маълумотлар узатиш Миллий тармоғини қўшимча воситалар орқали кенгайтириш лозим бўлади. Шу мақсадда корхона томонидан келгусида бир қатор режаларни амалға ошириш кўзда тутилган. Аввалла, "Беллам, Инк" корпорацияси билан ҳамкорликда маълумотлар узатиш бўйича Миллий тармоғини белгиланган вақт мобайнида ривожлантириш ва замонавийлаштиришдан иборат. Шунингдек, мазкур тармоққа уланувчи абонентлар сонини ошириш, ўқув жараёнини компютерлаштириш ва масофавий таълимни ривожлантириш ҳамда бошқа дастурларни амалға оширишда бевосита иштирок этиш режалаштирилган.

Корхона олдида турган муҳим масалалар қаторида яна мамлакат ичкариси ва халқаро йўналишда, айниқса вилоят ҳамда туман марказларида, қишлоқ жойларда Интернетта боғланишни кенгайтириш, техникавий воситалар қувватини ошириш ҳамда корхона моддий-техник базаси, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаб бориш вазифалари кун тартибда турибди. Шу тарзда "UzPAK" маълумотлар узатиш Миллий тармоғи белгиланган режа ва дастурлар бўйича янги марралар сари одимлаб бормоқда.

Л.ТУСУНОВ



ИНТЕРНЕТДА ВИРУСЛАР ЖАНГИ

Вируслар билан бировни ҳайратлантириб ҳам бўлмай қолди. Уларнинг ҳужуми худди қишда шамоллашдек оддий ҳолға айланди. Бирок сўнгги кунларда пайдо бўлган вирус ғалати ҳаракатлари билан кўпчилики ўзиға жалб қилмоқда. "W32.Sahay.A@m" деб номланувчи бу вирус бошқа бир зарарловчи дастур "Yaha"нинг орқасидан овға тушган. Унинг тарқалиш манбаи ўша "эски" ва "қадрдон" электрон почта бўлиб, "Fw: Sit back and be surprised", яъни "Ўтир ва ажаблан" сарлавҳали хат кўринишида бўлади.

Бу вирусни кўпроқ "W32.Yaha" "чувалчанги" кизқитиради. Уни топиши билан ҳужумға ўтиб, "рақибни" бутунлай тор-мор қилади. Қотил вирус яратувчиларининг маълум қилишича, мазкур ҳолат ўзиға хос ўч олишдан иборат. Аниқроқ айтиладиган бўлсақ, ўз вақтида "Yaha.k" вируси "Sahay" сайтиға жиддий зарар етказган.



Асосийси, сизнинг компютерингиз бу билан зарарланганиб қолмайди. Йўқ қилинган вирус ўрнини "Sahay"нинг ўзи эгаллайди.

Янги "микроб" автоматик равишда Outlook бўйлаб тарқалади. Metaphase VX Team гуруҳидан бўлган, ўзини Gigabyte деб таништирган "Sahay" яратувчиси мазкур вирус ҳеч нарсани "ўғирламайди" дея таъкидлаган. Бирок мутахассислар уни бутунлай "зарарсиз" деб ҳисоблашмаяпти. Уларнинг фикрича, бу ҳақерлар ўртасидаги ўзиға хос рақобат "жанги" ҳисобланади.

ИРКУТСКДА КОМПЮТЕР КАСАЛИКЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ БОШЛАНДИ

Хизмат юзасидан асосий вақтини компютер олдида ўтказадиган фуқаролар кунора ишлаши ёки моддий компенсация олиши кераклигини ҳамма ҳам билмасе керак. Россия ҳукумати шундай ҳолидани амалға киритган.

Иркутск шаҳрида ушбу белгиланган тартибларға қай даражада амал қилинаётгани назорат қилинди. Аввалло, мактаблардаги компютер хоналари тегишривдан ўтказилди. Мониторларнинг электромагнит нурланиши, ёруғ-

лик тарқалиши, хонанинг ҳарорати ва ҳавонинг ҳола бўйлаб ҳаракати ўрганиб чиқилди.

— 12-15 ёшдаги ўсимирлар кутини компютер олдида бир соатдан кўп ўтирмаслиги лозим. Бунинг устиға 15 минутлик таначфус билан ярим соат дам олиш зарур. Ҳатто талабаларға ҳам монитор олдида икки соатдан ортиқ ўтириш мумкин эмас, — дейди назоратчилар раҳбари Олег Шноков.

Компютер монитори олдиға кактус қўйилиши инсон ҳаёти учун хавфли нурланишдан сақлайди деган амалға назоратчилар ишонмаслигини билдирган.

ИНТЕРНЕТ 220 КУЧЛАНИШ ОСТИДА



Компютер технологиялари жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Бугунда янги ишлаб чиқарилаётган компютерларнинг бир йил ичида эскириб қолиши ҳеч кимға сир бўлмай қолди. Интернет ўзини анча вақт ўзгартирмасдан сақлаб турди, аммо у ҳам ҳозирги кўринишида эскириб бормоқда.

Мутахассислар уни электр тармоғи орқали тарқатишни ўйлаб топишди. Эндиликда тармоққа кириш учун махсус ажратилган каналларға боғланиш керак бўлмай қолади.

Электр тармоғи орқали Интернет кириш тажрибаси яқинда Шотландияда бошланган эди. Синовлар телефон алоқаси тез-тез узилиб турадиган қишлоқ жойларда олиб борилади. Янги ва истиқболли ташаббус Scottis Hydro-Electrics электроэнергетика компанияси томонидан илгари сурилган. Бри-

таниянинг PC Advisor наشري хабар беришича, "Розетка орқали Интернет" лойиҳасини тестлаштиришға қарийб 150 та Интернет-миқозлар жалб қилинган.

Ҳозирда Scottis Hydro-Electrics мутахассислари Scottis Enterprise компанияси ва меҳнат департаменти ҳамда Буюк Британия санаяти вақиллари билан ҳамкорлик қилмоқда.

Тажрибалар муваффақиятли яқун тонди. Барча миқозлар янги Интернет хизматидадан қониқиб ҳосил қилган. Муваффақиятдан руҳланган Scottis Hydro-Electrics ҳодимлари тизимнинг тижорий синовини ўтказишни режалаштирмоқда.

Янги хизматнинг ҳар бир абонентидан бир ойда 25 фунг ишлаш кўзда тутилмоқда. Бу маб-лағ миқозға 2 Мбит/с тезлигидаги Интернетдан фойдаланиш имконини беради. Нарҳи бўйича бу кўпгина Интернет-провайдерлардан анча арзон. Масалан, Bulldog Communications провайдерининг бир ойлик хизмат ҳаққи 79,99 фунгга ташкил этади.

Мазкур янгиликка мамлакатнинг бир қанча энергетика компаниялари қизиқиши билдирди, келажақда ҳамкорлик қилишға тайёр эканлигини маълум қилган.

Internetdan olindi



дан фойдаланган ҳолда "UzPAK" ўз миқозларига узлуксиз хизмат кўрсата олади.

Айни дамда "UzPAK" тармоғиға 30 дан ортиқ провайдерлар ва яна шунча алоҳида қўшма абонентлар боғланган. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва давлат бошқаруви органларидан иборат фойдаланувчилар учун махсус тариф режалари тайёрланган.

"UzPAK" маълумотлар узатиш Миллий тармоғи 2001-2002 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юрталари бўйлаб тармоқни тарғиб қилиш лойиҳасида қатнашиб келади. Шу вақт оралиғида "UzPAK" иштирокида Мерилинд, Гамбург университетлари, Англия, Россия ва Финляндия ўқув муассасалари ва мамлакатнинг ўндан ортиқ олий ўқув юрталари (Тошкент ахборот технологиялари университети, Қарши, Нукус университетлари ва

йил давомида Тошкентда бешта, вилоят марказларида олти та янги маълумот узатиш тугуни ташкил қилинди.

"UzPAK" мамлакатимизда бўлиб ўтган биринчи Интернет-фестивал ва Интернет-форумнинг ташкил қилиниши ва ўтказилишида бевосита иштирок этди.

1999-2003 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси маълумотлар узатиш Миллий тармоғини ривожлантириш ва замонавийлаштириш дастурини амалға ошириш мақсадида "UzPAK" корхонаси томонидан техникавий лойиҳа тайёрланди. Лойиҳада мамлакатимиз бўйлаб замон талабларига жавоб берадиган таъин маълумотлар узатиш тармоғини ташкил қилиш кўзда тутилган. Тармоқлар учун технология ва ускуналар 9 та йирик фирма ўртасида ўтказилган тендер асосида олиб келинади. Тендер ғолиблигини АҚШнинг "Беллам,

